МОСКВА, КРЕМЛЬ: СССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттирмоқда

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 14 декабрь 1973 йил, жума ◆ № 292 (15.766). ◆ Баҳоси 2 тийин.

Депутатлар партия XXIV съездининг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги қарорларини амалга оширишга юзасидан КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия Марказий Комитети Пленумидаги нуткида баён этилган қоидалар ҳамда хулосаларни тўла-тўкис ва батамом маъқуллашмоқдалар.



МОСКВА, КРЕМЛЬ. Суратда: саккизинчи чақириқ СССР Олий Советининг еттинчи сессияси президиуми.

(«ИЗВЕСТИЯ»дан).



ХАЛҚ БАХТ-САОДАТИ— ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ

САККИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИ

12 декабрь кечқурун СССР Олий Совети палаталарининг мажлислар залида Иттифоқ Советининг депутатлари йиғилишди.

Улар **Ю. В. Андропов, А. А. Гречко, А. А. Громико, Ф. Д. Кулаков, Д. А. Кунаев, К. Т. Мазуров, Н. В. Подгорний, М. А. Суслов, В. В. Щербицкий, П. Н. Демичев, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, В. И. Долгих, И. В. Капитонов** ўртоқларни узоқ давом этган қарсаклар билан кутиб олдилар.

СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси депутат А. П. Шитиков мажлисни очди.

Иттифоқ Совети план-бюджет комиссияси раисининг ўринбосари депутат **В. Г. Ломоносов** план-бюджет ва тармоқ комиссиялари номидан СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани, СССРнинг 1974 йилги Давлат бюджети ҳамда СССРнинг 1972 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги масалалар юзасидан қўшимча доклад қилди.

Барча совет кишилари, деди у, КПСС Марказий Комитети ва Марказий Комитет Сиёсий бюросининг ленинча ташқи сиёсий йўлини батамом қўллаб-қувватламоқдалар ва маъқулламоқдалар, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига қўшган жуда катта шахсий ҳиссасини, унинг совет халқи бахт-саодати йўлидаги курашда ҳормай-толмай сарфлаётган куч-ғайратларини юксак даражада қадрламоқдалар.

Партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотларининг катта сиёсий ва ташкилотчилик ишлари, кенг кўлоч ёйган Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси натижасида коммунизм моддий-техника базасини яратишда, халқ турмуши моддий ва маданий даражасини юксалтиришда янги-янги марраларга чиқилди.

1973 йилда миллий даромад 6,3 процент кўпайиб, 311 миллиард сўмга етади. Саноат ишлаб чиқариши ўзаро эса пландаги 5,8 процент ўрнига 7,3 процент кўпаяди. Шу беш йилликнинг уч йили мобайнида миллий даромад 16,3 процент, шу жумладан истеъмол бўйича 18 процентдан зиёд кўпаяди.

Мамлакат экономикасининг муваффақиятли ривожланиши асосида 1973 йилда СССРнинг давлат бюджети даромадлар бўйича пландагига нисбатан 101,6 процент, харажатлар бўйича эса 100,9 процент қилиб адо этилади.

Сўнгра В. Г. Ломоносов Иттифоқ Советининг план-бюджет ва тармоқ комиссиялари ёшлар масаласи билан шуғулланувчи комиссия ҳамда табиатни қўриқлаш комиссияси иштирокида 1974 йилда СССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планини, СССР давлат бюджетини, 1972 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар деди.

1974 йилги планда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 6,8 процент кўпайтириш кўзда тутилади. Меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига саноат маҳсулоти ўсишининг 88 процентини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қурилиш-монтаж ишлари ва темир йўл транспортида юк ташиш ҳажмининг бутун ўсишини таъминлаш мўлжалланади.

Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш энг муҳим умумхалқ иши бўлиб қолмоқда. Қишлоқ хўжалигига 18,4 миллиард сўм миқдорда давлат капитал маблағлари ажратилмоқда.

СССР Министрлар Совети СССРнинг 1974 йилги давлат бюджетини муҳокамага қўйди ва у даромадлар бўйича 194,1 миллиард сўмни, харажатлар бўйича эса 193,9 миллиард сўмни ташкил қилади. Комиссиялар СССР Иттифоқи ҳукумати муҳокамага қўйган давлат бюджети халқ хўжалик планига мувофиқ келади ва ҳукуматнинг экономикани янада юксалтириш ҳамда халқ турмуши моддий ва маданий даражасини юксалтиришда янги-янги марраларга чиқилди, деб ҳисоблайдилар.

КПСС Марказий Комитетининг 1972 йил декабрь Пленуми капитал қурилишга жуда катта эътибор берди ва мавжуд камчиликларни йўқотиш йўлларини белгилаб чиқди. Пленумнинг қарорига мувофиқ, шу соҳада катта ишлар қилинди. Аммо ишларнинг аҳволи уни янада яхшилаш лозимлигини тақозо этади. Асосий фондларни ишга тушириш бўйича белгиланган йиллик планлар бажарилмаётган жойлар ҳам бор, бунинг натижасида битказилмаган қурилишлар ҳажми кўпайиб кетмоқда. Комиссия, жумладан, қишлоқлардаги қурилишларда мавжуд бўлган жиддий камчиликларга эътиборни жалб қилади, деб таъкидлади депутат.

Шу йилги план умуман саноат бўйича бажарилганлигига қарамай, саноат корхоналарининг анчагинаси маҳсулот реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича ўн ойлик планни бажаргани йўқ.

Комиссиялар давлат плани лойиҳасини кўриб чиқиш процессида халқ хўжалигида ортиқча харажат қилиш ва моддий ресурсларни пес-нобуд қилишга ҳамон йўл қўйиб келинаётганлигига эътиборни жалб қилдилар. Қора металл прокати сарфи нормаларини камайтириш борасида белгиланган топшириқларни бажариш айниқса кўнгилдагидек эмас.

Мамлакат қишлоқ хўжалигида, деди В. Г. Ломоносов, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш ва ер-сув ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш борасида катта-катта ички резервлар бор. Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг ташаббуси билан КПСС Марказий Комитетининг 1966 йил май Пленумида ерларни мелиорациялаш йўли ишлаб чиқилган эди. Шу йўлнинг айниқса тўла амалга оширилиши алоҳида аҳамиятга эга.

Иттифоқ Советининг план-бюджет ва тармоқ комиссиялари, деди у, ҳукумат муҳокамага қўйган СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани КПСС XXIV съездининг Директиваларига асосланиб тузилган, деб ҳисоблайдилар ва уни комиссиялар киритган топшириқлар билан маъқуллашни таклиф қиладилар.

Комиссиялар 1974 йилги халқ хўжалигини ривожлантириш плани ва СССРнинг бюджетига айрим тузатишлар киритиш мумкин деб ҳисоблайдилар. Моллар, шу жумладан ипгазлама, жун ва шойи газлама, пойафзал, трикотаж кийим-кечак ва бошқа хил маҳсулотлар реализациясини 155 миллион сўм кўпайтириш таклиф қилинади.

Мол реализациясининг кўпайиши ва ҳисоб-китобларнинг аниқлаб олиниши муносабати билан комиссиялар СССРнинг 1974 йилги давлат бюджети даромадларини 121,9 миллион сўм кўпайтиришни таклиф қиладилар.

Комиссиялар қўшимча топилган маблағларни район марказлари, районга бўйсунувчи шаҳарлар, ишчи посёлкаларини ободонлаштиришга сарфлашни маъқул деб ҳисоблайдилар.

В. Г. Ломоносов комиссиялар СССР Министрлар Совети тақдим қилган давлат плани тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар ва уни бояги тузатишларни назарда тутган ҳолда қабул қилишни таклиф этадилар. Комиссиялар 1974 йилги СССР Давлат бюджетини тузатишларни ҳисобга олган ҳолда даромадлар бўйича 194 миллиард 301 миллион сўм, харажатлар бўйича 194 миллиард 088 миллион сўм, даромадлар харажатлардан 213 миллион сўм ошадиган қилиб тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритадилар.

Комиссиялар СССРнинг ҳукумат тақдим қилган 1974 йилги давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқдилар ва уни киритилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда қабул қилишни таклиф этадилар.

План-бюджет ва тармоқ комиссиялари СССРнинг 1972 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар ва СССРнинг 1972 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлашни таклиф қилдилар.

РСФСР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари депутат **Н. Ф. Васильев** музокараларни бошлаб берди.

— Коммунистик партиянинг умумхалқ социалистик мусобақасини кенг кўлоч ёйдириш, 1973 йилни тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилига айлантирайлик, деган мурожаати ҳар бир кишининг қалбини жўш урдириб юборди, — деди нотиқ. — Россия Федерациясининг меҳнаткашлари мамлакат экономикасини ва маданиятини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Нотиқ СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат планини ва давлат бюджетини план-бюджет ва тармоқ комиссиялари айтган мулоҳаза ва тузатишларни ҳисобга олган ҳолда тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритди.

— Совет кишилари ташқи сиёсат борасидаги муваффақиятлар ва хўжалик қурилишидаги ютуқлар партия Марказий Комитети, Марказий Комитет Сиёсий бюроси, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари шахсан ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг улуғвор ишлари туфайли эришилганлигини яхши биладилар, — деб таъкидлади Н. Ф. Васильев.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Украина Компартияси Марказий Комитети билан республика Олий Советининг қўшма тантанали мажлисида Халқлар Дўстлиги орденини топшириш чоғида сўзлаган нутқи, унинг партия ва совет ходимлари билан учрашувлари ва суҳбатлари, республикамизга кейинги икки сафар келган чоғида айтган чуқур мулоҳазалари ва истаклари партия ва совет органлари Украина меҳнаткашлари куч-ғайратини энг муҳим сиёсий ва ҳўжалик вазифаларини ҳал этишга сарфлашларига ёрдам берди, деди ўз нутқида Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари депутат **Я. П. Погребняк.**

Бу йил республика саноати бешйиллик план топшириқларида кўзда тутилганига нисбатан анча юксак суръатлар билан ривожланиб бормоқда. 1973 йилги план экономиканинг асосий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича бажарилмоқда, баъзи кўрсаткичлар бўйича эса оширибҳам бажарилади.

Бутун мамлакатдаги сингари Украина қишлоқ хўжалигининг ходимлари ҳам бу йил каттакатта муваффақиятларга эришдилар. Ялпи дон ҳосили пландаги 40 миллион тонна ўрнига 48,5 миллион тоннага борди. Республика ҳали ҳеч қачон бунчалик галла йиғиб олмаганди. Республикада миллиард пуд дон ҳар йили давлатга сотиладиган минимал норма бўлиб қолиши учун кураш олиб борилмоқда.

Тўққизинчи беш йиллик асосий вазифасини ҳал этишда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришга катта эътибор берилмоқда, деб таъкидлади нотиқ. Беш йилликнинг уч йили мобайнида пландан ташқари аҳолига 2 миллиард сўмликдан зиёд мол тайёрланди. 1974 йилда енгил саноат корхоналари мол хилларининг 60 процентдан кўпини янгилайди.

Белоруссия ССР Министрлар Совети Раиси депутат **Т. Я. Киселев** айтдики, Леонид Ильич Брежнев КПСС Марказий Комитетининг Пленумида сўзлаган нутқида мамлакат халқ хўжалигининг ривожланишини батафсил таҳлил қилиб чиқди, экономиканинг резервларини ва уни янада ўстириш имкониятларини очиб берди. Республиканинг партия, совет ва хўжалик ташкилотлари мана шу кўрсатмаларни муваффақиятли амалга оширмоқ учун ҳамма ишларни қиладилар, кадрлар ишида уюшқоқлик ва ишчанликни, уларнинг топширилган ишга бўлган масъулиятларини ошириб борадилар.

(Охири 2- бетда).

КРЕМЛДА МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний 12 декабрь куни Кремлда партия ва совет ходимларидан катта бир группасига Совет Иттифоқининг орден ва медалларини топширди.

Қозоғистон Компартияси Кўкчатов область комитетининг биринчи секретари Е. Н. Овулбековга, Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон область комитетининг биринчи секретари Қ. Камоловга, Қозоғистон Компартияси Целиноград область комитетининг биринчи секретари Н. Е. Кручинага, Қозоғистон Компартияси Тўрғай область комитетининг биринчи секретари С. Кусаиновга, Белоруссия Компартияси Минск область комитетининг биринчи секретари И. Е. Поляковга, Ўзбекистон Компартияси Андижон область комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимовга Ленин ордени ҳамда «Урок ва Болга» медали топширилди. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида катта муваффақиятларга эришганликлари ҳамда 1973 йилда галла, пахта, қанд лавлаги, мойли экинлар ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажаришда шавқатли меҳнат қилганликлари учун улар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони фахрий унвонига сазовор бўлдилар.

СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир аъзоси, Украина ССР Фанлар академиясининг академиги Н. М. Амосовга медицина фанини ва соғлиқни сақлашни ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Унга Ленин ордени ҳамда «Урок ва Болга» олтин медали топширилди.

1973 йилда галла, пахта, қанд лавлаги, картошка, сабзавот, мойли экинлар ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтиришда эришган муваффақиятлари учун Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. Н. Аксенова, Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Б. А. Ашимова, Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Н. Бодюлга, Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. С. Грушецкийга, Молдавия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Ф. Ильяшенкога, Белоруссия ССР Министрлар Советининг Раиси Т. Я. Киселевга, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Қунаевга, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносовга, Украина Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари И. К. Лутакга, Украина ССР Министрлар Советининг Раиси А. П. Ляшкога, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчоновга, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеровга, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. К. Месяцга, Тожикистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Набиевга, Туркманистон ССР Министрлар Советининг Раиси О. Н. Урозмуҳамедовга, Молдавия ССР Министрлар Советининг Раиси П. А. Паскарга, Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ф. А. Сургановга, Қирғизистон ССР Министрлар Советининг Раиси А. С. Суюмбоевга, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиевга, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиевга, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. А. Шеварднадзега, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Щербицкийга, РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси М. А. Ясновга ва бошқаларга Ленин ордени топширилди.

Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги хизматлари учун КПСС Астрахань область комитетининг биринчи секретари Л. А. Бородин, КПСС Кемерово область комитетининг биринчи секретари А. Ф. Ештокин, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Е. Кочинян Ленин ордени билан тақдирландилар.

Ўртоқларнинг катта бир группасига Октябрь революцияси ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени топширилди.

Мукофотланганлар ўз нутқларида Коммунистик партия билан Совет ҳукумати уларнинг меҳнатига юксак баҳо берганликларига жавобан, мамлакат халқ хўжалигининг барча тармоқларини янада ривожлантириш учун, КПСС XXIV съезди қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун ўз кучлари, тажриба ва билимларини аямай ишлаймиз дедилар. Н. В. Подгорний ўртоқларни юксак мукофотлар билан қизғин ва самимий табриклаб, уларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва меҳнатларида янги муваффақиятлар тилади. У КПСС XXIV съезди қарорларини, тўққизинчи беш йиллик план топшириқларини, КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг нуткида кўйилган вазифаларни бажаришда партия ва совет ходимлари катта роль ўйнашларини таъкидлаб ўтди. (ТАСС).

САККИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИ

ХАЛҚ БАХТ-САОДАТИ — ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ

(Боши биринчи бетда).

Нотиқ Белоруссия саноати ва қишлоқ хўжалигининг беш йиллик бошланганидан бери ўтган вақт ичидаги дастлабки иш якунларини таърифловчи факт ва рақамларни айтиб ўтди.

Белоруссия меҳнаткашлари беш йиллик дастлабки йилларининг якунларини диққат билан таҳлил этганликлари ҳолда 1974 йилги план оширib бажарилмоғи учун ҳозирнинг ўзидаёқ чоралар кўряптилар. Белоруссия ССР Министрлар Советининг Раиси план ва мажбуриятларнинг муваффақиятли амалга оширилиши капитал қурилишга муайян даражада боғлиқ, деб таъкидлади.

Кўп миллатли Ватанимиз халқларининг вакиллари коммунистик қурилишнинг энг муҳим вазифаларини муҳокама қилиб, умуман беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган 1974 йилги планни тўла ва оширib бажаришнинг конкрет йўлларини белгиламоқдалар. Депутатларнинг ҳамма нутқлари мамлакатнинг иқтисодий потенциалини янада ўстириш, халқнинг моддий фаровонлигини ва маданий даражасини ошириш тўғрисидаги ғамхўрлик руҳи билан сугорилган.

13 декабрь куни эрталаб соат 10 да СССР Олий Совети палаталарининг мажлислар залида Миллатлар Советининг депутатлари тўпланишди.

А. Я. Пельше, Д. С. Полянский, А. Н. Шелепин, П. М. Машеров, Б. Н. Пономарев, Д. Ф. Устинов ўртоқлари депутатлар ва меҳмонлар қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлисни СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси депутат **Е. С. Насриддинова** очди.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани, СССРнинг 1974 йилги давлат бюджети тўғрисидаги ва ССРнинг 1972 йилги давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги масалалар юзасидан Миллатлар Совети план-бюджет комиссиясининг раиси депутат **К. М. Герасимов** план-бюджет ва тармоқ комиссиялари номидан қўшимча доклад қилди. Партиямиз XXIV съезди қабул қилган Тинчлик программасини амалга ошириш соҳасида КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати изчиллик билан ўтказган тадбирлар натижасида кейинги вақтларда халқаро иқлим анча соғломлашди, деди у. Барча совет кишилари ер юзида тинчлик ва хавфсизлик учун курашда **Коммунистик партия билан Совет ҳукумати**, шахсан ўртоқ Л. И. Брежнев олиб бораётган самарали фаолиятни қизғин маъқуллаяпмиз. Бу ҳол бизнинг мамлакатимизга бутун эътибор, куч ва маблағларни коммунистик қурилишнинг тинч бунёдкорлик вазифаларини ҳал этишга жамлаш имконини беради.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг зўр сиёсий ва ташкилотчилик иши туфайли, план топшириқларини муддатидан аввал бажариш учун бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақани кенг қулоч ёзганлиги туфайли 1973 йилги халқ хўжалик планининг асосий социал-иқтисодий кўрсаткичлари тўла ва оширib бажарилди,

Докладчи СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги плани лойиҳаси тўғрисида гапириб, мамлакатнинг миллий даромади 6,5 процент ортишини, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 6,8 процент кўпайишини айтди. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш юзасидан катта-катта тадбирлар белгиланди. Ҳамма турдаги транспортнинг юк оборотн 5,3 процент кўпаяди, трубопровод ва автомобиль транспорти илдам суръатлар билан ривожлантирилади. Халқ хўжалигига сарфланадиган капитал маблағларнинг жами ҳажми пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига 104,2 миллиард сўм миқдорида белгиланмоқда, бу маблағлар 1973 йилда бажарилиши кутилаётганига нисбатан 6,5 процент ортади.

Планда халқнинг турмуш даражасини янада ошириш кўзда тутилмоқда. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 5 процент кўпаяди. Ижтимоий истеъмол фондлари 82,5 миллиард сўмга етади.

К. М. Герасимов СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат планини ва давлат плани тўғрисидаги Қонунни палаталар доимий комиссияларининг тузатишларини ҳисобга олган ҳолда маъқуллашни таклиф қилади. Докладчи СССРнинг 1974 йилги давлат бюджетини ва давлат бюджети тўғрисидаги Қонунни тузатишларни ҳисобга олган ҳолда тасдиқлаш тўғрисида ҳам таклиф киритади. СССРнинг 1972 йилги давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш таклиф этилади.

Доимий комиссиялар план ва бюджетни кўриб чиқиш вақтида халқ хўжалигидаги моддий ресурсларни тежаш масалаларига катта эътибор бердилар. Умуман халқ хўжалигида моддий ресурслардан фойдаланиш яхшиланди. Аммо шундай бўлса ҳам, айрим министрликларда ва уларнинг қарамоғидаги корхоналарда моддий ресурсларни тежаб-тергаб сарфлаш учун ҳали дуруст кураш олиб борилмаётир. Докладчи Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг план-бюджет комиссиялари ва саноат комиссиялари моддий ресурсларни тежаб-тергаб сарфлаш юзасидан беш йиллик планда белгиланган топшириқларнинг бажарилишини таъминлаш соҳасида олиб бораётган ишларни батафсил гапириб берди.

План-бюджет ва тармоқ комиссиялари халқ хўжалиги планини ва давлат бюджетини кўриб чиқиш вақтида капитал қурилиш соҳасидаги камчиликларга министрликлар билан идораларнинг эътиборини неча марталаб қаратдилар. Гарчи аҳвол бирмунча яхшиланган бўлса ҳам, ҳар ҳолда бу соҳадаги катта камчиликлар ҳамон давом этиб келмоқда, бу эса мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришга салбий таъсир қилмоқда. Ишлаб чиқариш қувватларини ва асосий фондларни ишга туширишнинг планда белгиланган муддатлари бузилаётганлигини кўрсатувчи фактлар бор. Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқарувчи корхоналарни, аҳолига маиший хизмат кўрсатадиган, савдо-сотиқ, маориф ва соғлиқни сақлаш объектларини қуришда бундай фактлар айниқса кўп.

Докладда чала етган қурилишлар ҳажмини қисқартириш, қурилиш муддатларини қисқартириш ва унинг смета қимматини камайтириш масалаларига катта эътибор берилди. СССР Олий Совети палаталарининг план-бюджет ва тармоқ комиссиялари, деди К. М. Герасимов, министрликлар ва идоралар, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари капитал қурилишдаги камчиликларни тугатиш ва капитал маблағлар самарадорлигини ошириш юзасидан кескин чоралар кўришлари зарур, деб ҳисоблайдилар.

Меҳнатни ташкил этишни ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш масалаларига докладда анчагина эътибор берилди. Айрим корхоналар ва қурилишларда иш вақти ҳамон куплаб нобуд бўлаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Бу нобудгарчиликни тугатиш — меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим манбаларидан биридир, корхоналар ишидаги иқтисодий кўрсаткичларни оширишнинг реал негизидир.

Совет кишиларининг моддий фаровонлиги ва маданияти ўсиб бораётганлиги сабабли халқ истеъмол қиладиган моллар-нинг турларига, замонавий пардозига, ташқи қиёфасига ва айниқса сифатига бўлган талаблар янада кўпроқ ошмоқда. Бироқ, баъзи бир корхоналар сифатсиз маҳсулот чиқариш ҳолларига йўл қўяётганликлари ҳисобот маълумотларидан кўриниб турибди. Атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг катта аҳамияти тўғрисида гапириб, докладчи шуни маълум қилдики, СССР Госпланн табиий ресурслардан рационал фойдаланиш юзасидан министрликлар, идораларга ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига зарур топшириқларни ишлаб чиқмоқда.

Корхоналар ва хўжалик ташкилотлари ишида юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни ва бошқа бир қанча нуқсонларни тугатиш ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, 1974 йил учун белгиланган топшириқларни тўла ва оширib бажариш учун халқ хўжалигидаги резервлар ва имкониятлардан тўлиқроқ фойдаланишга йўл очади, деди К. М. Герасимов. Докладчи яна бундай деди: СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ССР Иттифоқи ҳукумати тақдим этган 1974 йилги давлат плани тўққизинчи беш йиллик план топшириқлари асосида, беш йилликнинг ўтган уч йили мобайнида планнинг бажарилиш якунларини ҳисобга олиб тузилган. 1974 йилги давлат плани ва давлат бюджети Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга, беш йилликнинг энг муҳим вазифасини муваффақиятли ҳал этишга — совет кишиларининг моддий ва маданий даражасини анча оширишга қаратилгандир.

Украина ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари депутат **Н. Т. Кальченко** минбарга чиқади. Партиямиз Марказий Комитетининг кўни кеча бўлиб ўтган Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган чуқур мазмунли ёркин нутқида мамлакатимизнинг халқаро аҳволи ва социал-иқтисодий ривожи атрофлича анализ қилиб берилди, янги муҳим ва масъулиятли вазифалар ўртага қўйилди.

Украинанинг дала механизаторлари бу йилни ажойиб муваффақиятлар билан нишонламоқдалар. Рекорд ҳосил олинди.

Биз қишлоқ хўжалиги соҳасидаги 1974 йилги планни ишлаб чиқиш вақтида Леонид Ильич Брежневнинг республикага Халқлар дўстлиги орденини топшириш вақтида: бир миллиард пуд галла Украина учун давлатга ҳар йили сотиладиган минимал норма бўлиб қолиши керак, деган йўл-йўриқларига асосланиб иш тутдик, деб таъкидлади нотиқ. Бунинг учун республикада конкрет тадбирлар амалга оширилмоқда.

Н. Т. Кальченко 1974 йилги давлат плани ва бюджети лойиҳаларини тасдиқлашни таклиф қилди.

Минбарга Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат **К. А. Халилов** чиқади. Мамлакатимиз эришган муваффақиятларда, деди у, Озарбайжон ССР ишчилари, колхозчилари ва зиёлилари қилган меҳнатнинг ҳам улуши бор. Республика меҳнаткашлари беш йилликнинг учинчи йилини зарбдор, ҳал қилувчи йилга айлантирингиз, деб партия ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев қилган мурожаатга завқ-шавқ билан лаббай деб жавоб бердилар. Республика экономикасида сезиларли муваффақиятларга эришилганлигини депутат сессия қатнашчиларига гапириб берди. Ўсиш суръатлари жиҳатидан саноат беш йиллик планда белгиланган даражада турибди.

Депутат сессия қатнашчиларини ишонтириб айтдики, Озарбайжон ССР меҳнаткашлари 1974 йилнинг оширилган планини ва бутун беш йилликни шараф билан бажарадилар.

Қозоғистон Компартияси Олмаота область комитетининг биринчи секретари депутат **А. Аскаров** бундай деди: Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган расмий дўстона визити якунларига КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми, ССР Министрлар Совети берган юксак баҳони бутун совет халқи билан бирга Қозоғистон меҳнаткашлари ҳам якдиллик билан қўллаб-қувватлайдилар. Бу баҳода барча ишчиларимиз, колхозчиларимиз ва меҳнаткаш зиёлиларимизнинг фикр-ўйлари ифодаланган. Муваффақиятли равишда тугалланган визит якунларини улар халқаро вазиятда эришилган яхши ўзгаришлар муқаррар тус олишига эришиш тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми ўртага қўйган амалда рўёбга чиқарилаётганлигининг далили деб биладилар.

Депутат Олмаота область меҳнаткашлари саноатда, қишлоқ хўжалигида эришган ютуқларни батафсил гапириб берди. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани ва СССР давлат бюджети ғоят интернационал ҳужжатлар, деб таъкидлади у. Бу ҳужжатларда умуман бутун мамлакатнинг ва алоҳида ҳар бир иттифоқдош республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини ҳар томонлама ривожлантириш кўзда тутилган.

Беш йилликнинг учинчи йили мобайнида Арманистон саноат ишлаб чиқариши ҳажми анча кўпайди, деди Закавказье темир йўли Ленинакан станцияси локомотив депосининг бошлиғи депутат **С. А. Микаелян** сессия минбаридан туриб. Бир қанча янги корхоналар ишга туширилди, қўшгина турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Нотиқ Арманистонда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожи тўғрисида гапириб, Раздан кимёмия комбинатининг бутун комплексини тезроқ ишга тушириш учун қўшимча капитал маблағ ажратиб бериш зарурлигини таъкидлади. Депутат халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, саноат моллари базаларини, сабзавот ва картошка омборларини ва бошқа иншоотларни қуришга боғлиқ бўлган масалаларни қўтарди.

С. А. Микаелян айтдики, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани ва давлат бюджети Совет Иттифоқининг экономикаси муттасил юксалиб бораётганлигидан, партиямизнинг ва КПСС ленинчи Марказий Комитетининг иқтисодий сиёсати тўғрилигидан далолат беради.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари депутат **Т. Н. Осетрова** сўз берилади. СССР Олий Советида муҳокама қилинаётган 1974 йилги план ва бюджет мамлакат аҳтиёжларини реал равишда ҳисоб-китоб қилишга асосланиб тузилган, деб таъкидлади у. Бу план ва бюджетда ҳар бир иттифоқдош республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини муттасил ривожлантириш кўзда тутилган. Иттифоқдош республикалар эса ўз навбатида умуминттифоқ иқтисодий потенциалини жадал юксалтиришни ўзларининг энг муҳим вазифалари деб ҳисоблайдилар.

Депутат республика тўққизинчи беш йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажараётганлигини гапириб берди. У республиканинг хом ашё ресурсларидан яхшироқ фойдаланиш тўғрисида бир қанча таклифлар киритди.

Нотиқ Ўзбекистонда саноат турли тармоқларининг корхоналарини жойлаштириш учун қулай шароит бор, деган фикрни асослаб берди.

Раислик қилувчи — Миллатлар Совети раисининг ўринбосари депутат **В. Е. Лобанов** химия саноати министри депутат **Л. А. Костандовга** сўз беради. Нотиқ Коммунистик партия билан ҳукумат мамлакатда қудратли химия саноатини барпо этиш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келаётганликларини, саноатнинг бу тармоғини ривожлантириш саноатнинг ҳамма тармоқларидаги техника тараққиёти учун катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Химия саноатининг маҳсулоти қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлашнинг ҳам муҳим воситаси бўлиб қолди.

Химия ишлаб чиқаришининг беш йиллик энг асосий иқтисодий вазифасини ҳал этишга — халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини оширишга кўмаклашадиган тармоқлари устун даражада ривожлантирилади.

1974 йилда химия саноатида ишлаб чиқариш ҳажмини 10 процентдан зиёд кўпайтириш белгиланган. Министр ишонтириб айтдики, совет химиклари белгиланган режаларни шараф билан бажариш учун ҳамма ишни қиладилар.

Бизнинг республикамизда беш йилликнинг энг катта объектлари қурилиш кенг кўламда олиб борилмоқда, деди Чувашия АССР Порицкий районидаги ўрта мактаб муаллимаси депутат **Г. Н. Осокина.** У республиканинг умумий таълим мактаби қандай ривожланаётганлигини батафсил гапириб берди ҳамда 1974 йилги давлат плани билан давлат бюджетини тасдиқлашни таклиф қилди.

Молдавия ССР «Маяк» колхозининг бош зоотехниги депутат **И. Х. Добриогло** ўз нутқида бундай деди: ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларини фан-техника тараққиёти асосида такомиллаштириш борасида Коммунистик партия ўтказаётган йўл маҳсулот етиштиришни кўпайтиришда ва сифатини яхшилашда янги муваффақиятларга эришиш имконини бермоқда. Молдавия колхозчилари ва совхозларининг ишчилари серунум техникадан, минерал ўғитлардан фойдаланиб, ерларни мелиорациялаб, шу тариқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришга, жамоат чорвачилигининг маҳсулдорлигини оширишга эришмоқдалар. Давлатга биринчи марта бир миллион тоннадан кўпроқ дон сотишга муваффақ бўлдик.

Депутатнинг фикрича, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш иши бунинг учун зарур бўлган машина ва ускуналар йўқлиги сабабли чўзилиб кетмоқда. Нотиқ чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш учун машинасозлик янги министрлиги бу проблемани бартараф этишда ҳал қилувчи роль ўйнайди, деб умид билдирди.

Мамлакатимизнинг муваффақиятлари — совет кишилари фидокорона меҳнатининг натижасидир, КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати, Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ва шахсан Бош секретарь ўртоқ Л. И. Брежнев ҳормай-толмай олиб бораётган самарали фаолиятнинг натижасидир, деб таъкидлади Латвия ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Ю. Я. Рубин.** У Латвия экономикаси учун муҳим бўлган бир қанча масалаларни ўртага қўйди. Жумладан, у мамлакатда мебель маҳсулотларига талаб катта эканлиги сабабли СССР Госплани билан СССР Ўрмон ва ёғочсозлик саноати министрлиги мебель ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кўпроқ эътибор беришлари зарур, деб ҳисоблайди. У қишлоқ хўжалигини хилма-хил тирқов қуроллари билан таъминлаш зарурлигини ҳам айтди, республикада суюқ минерал ўғитлар заводи қуриш тўғрисида таклиф киритди.

Тожикистон ССРдаги Ломоносов номли колхоз раиси депутат **Т. Садриддинов** айтдики, пахтакор республикаларнинг партия-хўжалик актини йиғилишида Тожикистон қишлоқ меҳнатчилари бу йил 775 минг тонна пахта териб олишдан иборат оширилган мажбурият қабул қилган эдилар. Бу масъулиятли ваъдани бажариш бизнинг асосий вазифамиз, ҳар бир хўжаликнинг, ҳар бир меҳнаткашнинг шон-шараф иши бўлди. Биз берилган ваъдани шараф билан бажаришдан ташқари, белгиланган марраdan ўзиб ҳам кетдик.

Меҳнатдаги бу катта ғалабани қўлга киритишда бизга Леонид Ильич Брежневнинг пахтакорларга шахсан эътибор бериб турганлиги, Коммунистик партия билан Совет ҳукумати мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга жуда катта аҳамият бераётганликлари айниқса ёрдам берди.

Республика қишлоқ меҳнатчилари номидан, деди нотиқ, беш йилликнинг тўртинчи йилини коммунистик қурилишда янги муваффақиятлар билан нишонлаш учун ҳамма чораларни кўрамиз, деб ишонтираман.

Хабаровск ўлка Совети ижроия комитетининг раиси депутат **Г. Е. Подгаев** ўлканинг ўтган уч йилдаги иқтисодий ривожланиш якунларини таърифлаб берди.

У экономикани янада ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларга асосий эътиборни қаратди.

Г. Е. Подгаев келгуси йилга мўлжалланган давлат плани билан давлат бюджетини доимий комиссиялар киритган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда тасдиқлашни таклиф қилди.

Қирғизистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **А. С. Суюмбоев** беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йилининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги якунларига тўхталиб ўтди, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш масалаларини ўртага қўйди.

Қирғизистон, деб таъкидлади нотиқ, бой гидроэнергетика ресурсларига эга. Ҳозир шу ресурсларнинг уч процентидан ҳам камроғи фойдаланилмоқда. А. С. Суюмбоев мамлакат халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ана шу ресурсларни тезроқ ўзлаштиришни таклиф қилди.

СССР Олий Советининг бундан аввалги сессияси қабул қилган қарорга ва КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг шахсан Леонид Ильич Брежнев ташаббуси билан қабул қилинган қарорига мувофиқ республиканинг 1974 йилги халқ хўжалик планида қишлоқ жойлардаги таълимнинг моддий базасини мустаҳкамлаш ишлари белгиланмоқда.

А. С. Суюмбоев ишонч билдириб айтдики, сессияда муҳокама қилинаётган 1974 йилги халқ хўжалик плани билан давлат бюджети кўп миллатли бутун Совет давлатининг ҳам, шунингдек ҳар бир иттифоқдош республиканинг ҳам янада равнақ топишини таъминлайди.

Шу билан Миллатлар Советининг иккинчи мажлиси тамом бўлди.

* * *

13 декабрда кунининг иккинчи ярмида Кремлда СССР Олий Совети палаталарининг мажлислар залида саккизинчи чақириқ СССР Олий Совети еттинчи сессияси Иттифоқ Советининг учинчи мажлиси бошланди.

Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, А. А. Гречко, А. А. Громико, А. П. Кириленко, Ф. Д. Кулаков, Д. А. Кунаев, К. Т. Мазуров, Н. В. Подгорний, П. Н. Демичев, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, В. И. Долгих, К. Ф. Катушев ўртоқларни депутатлар ва меҳмонлар гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлисда Иттифоқ Совети Раисининг ўринбосари депутат **Б. Е. Патон** раислик қилди.

Мажлисда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани тўғрисидаги, СССРнинг 1974 йилги давлат бюджети ҳақидаги ва 1972 йилги СССР давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилиш давом эттирилди.

(ТАСС).



МОСКВА, КРЕМЛЬ. Суратда: саккизинчи чақириқ СССР Олий Советининг еттинчи сессияси мажлислар зали.
(«ИЗВЕСТИЯ»дан).

ЮКСАК МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

СССР Олий Советн Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний 13 декабрда Кремлда СССР Олий Советн сессиясн қатнашчиларининг катта бир группасига Совет Иттифоқи орденларини топширди. Улар 1973 йилда дон, пахта, қанд лавлаги, картошка, сабзавот, мойли экинлар маҳсулоти ва деҳончиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштириш, давлатга сотишни кўпайтиришда эришган муваффақиятлари учун юксак мукофотларга сазовор бўлишган.

Мукофотланганлар ўз меҳнатларига юксак баҳо берилганлиги учун Коммунистик партия билан Совет ҳукуматига қизғин миннатдорчилик билдирдилар.

Н. В. Подгорний КПСС Марказий Комитетн Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев номидан ўртоқларни Ватанимиз юксак мукофотлари билан, самимий ва қизғин табрикладн. У мукофотланганларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, тўққизинчи беш йиллик план топшириқларини бажаришда янги муваффақиятлар тилади. (ТАСС).

СУВОРИЙЛАР САРДОРИ

Янги қаҳрамонлар

Иложин топса агар,
Ерга қадаб, термулиб,
кўкартиргувчи бу халқ.
Жазм этса кўкка бўяр жаҳон
харитасин ҳам,
Бугун чўлга чиқибди, ниятн
топсин барҳақ.

Ҳа, шоир минг бор ҳақ. Бободеҳқон нималарга қодирмас дейсиз! У юрган йўлдан дур унади, қадами етган жой нурга тўлади. Табиатга зеб берган ҳам унинг ақли-заковати, унинг қадоқ қўллари. Сахролар сийнасини яшнатган, кимсасиз чўлларга ҳаёт ато этган, тош устида гул ўстирган ҳам унинг ўзи. Девкор техникага, полвон машиналарга, ажойиб агрегатлар-механизмларга таяниб, мўъжизалар яратади у.

Қайси бирини тилга олайлик! Қайси бирининг таърифи-тавсифини келтирайлик! Бундайлар бизда минглаб, ўн минглаб, йўқ-е юз минглаб топилади. Ҳар бирининг ҳаёти, босиб ўтган шонли йўли, порлоқ келажаги — ўзи бир достон. Бир достонки, унинг зарварақлари деҳқончилигимиз, хусусан, пахтачилигимиз Олтин китоби саҳифаларидан ҳақли равишда ўрин олажак.

Тўлан Дадажонов ҳам ана шундай қалби қайноқ, бободеҳқон фарзандларидан бири. Ёшлигидан техникага ихлос қўйди. Акаси — Мамажон Дадажонов бунга даъват этди. Ака-ука Дадажоновлар йигитлик чоғининг энг долзарб дамларини Марҳамат районидаги Ильич номли колхоз далаларида ўтказди. Техникага «тил» киритиб, янги ерларни ўзлаштирди, чигит экди, ғўзаларни меҳр билан парвариш қилди. Ака-ука Дадажоновлар ва уларнинг ҳамкасби Ҳафиз Полвонов шу колхозда пахта ҳосилдорлигининг кўпайишига алоҳида ҳисса қўшишди. Улар машҳур механизаторлар сифатида элга танилдилар.

Мамажон ака юрак амри билан Мирзачўлга отланди. «Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куйган» бу чўлни Фарғона водийсидек дилбар ва сўлим диёрга айлантириш ҳис-туйғулари билан тўлиб-тошди. Мирзачўлга келиб, «Андижон» совхозининг комплекс механизациялашган бригадасига бошчилик қилди. Республикадаги олов қалбли механизаторларни жасорат майдонига даъват этди. Мирзачўл шароитида мисли кўрилмаган мўл ҳосил етиштирди. «Ўзбекистон» агрегатида ҳаммадан кўп пахта терди. Машинасозлар ана шу ажойиб агрегатдан биттасини Мамажон акага совға қилишди.

Мамажон ака Тўланни ҳам чўлга чақирди. Укаси энди Мирзачўлга жўнайман деб турганида, кимдир юрагига ғулғула солмоқчи бўлди:

— Шундай гўзал, баҳаво жойни ташлаб, саҳрода нима қиласан? Е бўлмаса акангга ўхшаб Қаҳрамон бўлавермайди...

Тўлан бир оз ўйланиб қолди. Лекин акасининг шогирди—Ҳафиз Полвонов унга далда берди:

— Асло иккиланма, Тўлан! Акангнинг изидан боравер, адашмайсан. Менинг ҳам чўлқуварларга эргашиш ниятим бор.

Таниқли механизаторнинг бу гаплари Тўланга қанот бахш этди. Район партия комитетига бориб, Мирзачўлга юборишларини илтимос қилди. Орадан сал ўтмай Тўлан Дадажонов Мирзачўлга йўлланма олди.

— Иккиланибсан ҳам деб эшитдим, — деди Мамажон ака салом-аликдан сўнг. — Мана, кўриб турибсан бу ерда ҳали ҳеч нарса йўқ. Ҳу, анави вагончада биз билан бирга яшаб турасан. Ҳадемай қурилишни бошлаб юборамиз. Ҳа, ўзимиз қурамиз, сен билан биз, мана шу қора кўзлар биргалашиб посёлка қурамиз. Сўнгра ён-веридаги шерикларига бир қараб, қўшиб қўйди:

— Тўланга ҳозирча трактор бермасак. «Водовоз» машинасида ишлаб турсин. Вазифасини яхши уддалаб кетса, кейинчалик трактор ҳам, пахта териш машинаси ҳам берамиз.

Одамлар бир-бирларига ишора қилиб елка қисишди. Уларнинг бу ҳаракатидан «укасига шундоқ қаттиқ қўллик қиляпти-ю, бошқаларга қандай муносабатда бўларкин», деган маънони уқиб олиш қийин эмасди.

Тўланга «Водовоз» биркитиб қўйишди. Энди чўл жазирамасида анча олисдан сув ташийди. Қўллари-оёқлари, кўзлари—чўлда. Қуёш беомон олов пуркаган кезларда ҳам у йўлда. Ўша кунларни эслар экан, лаблари бежиҳтиёр шивирлайди:

— Кунлар ўтиб борарди. Саратон ҳам кириб қолди. Ҳаво роса исиди, чўл сийнаси бамисоли тандирдай ловуллайди. Теварак атрофга боқсангиз, худди симобдек эриб сароб мавжланади. Чошгоҳда «Водовозни» тўлдириб, совхоз марказига қайтардик. Чўлга тикиламан. Теварак-атрофда ҳеч ким кўринмайди. Машинани шамолга қарши ҳайдашга тўғри келди. Бу, қайиққининг тўлқинга қарши юриши билан баб-баравар. Радиаторда ги сув дам ўтмай чойдиш каби вақир-вуқур қайнаб қолади. Машинани бир пас тўхтатиб, моторни сал-пал совутмоқчи бўламан. Кошкийди, тезроқ совиса! Бу ерда бирор соат қолиб кетсам, вассалом. Қанчадан-қанча одамларни сувсиз қолдираман. Кечикишга ҳаққим йўқ. Моторни ёқиб машинани яна тезроқ ҳайдашга ҳаракат қиламан. Тағин ўша илиқ шамол...

Янги совхоз қурилаётган жойгача ҳали анча йўл босишим керак. Чўл кўксини қоқ ёриб, елдек учиб бораётганимда, саватдек каттакон телпак кийган бир чол ҳу нариданқўл силтайди:

— Ҳей, бўтам, машинангни бир дақиқа тўхтатиб ўтмайсанми?

— Шундай жазирамада чўл келиб, нималар қилиб юрган бўлса, бу одам? — деб хаёлимдан ўтказиб, машинани у турган томонга бураман. Бир пасда ёнига етиб бордим. Чол сой тепасида турибди, менга қўл силтар эди. Пастда бир сурув қўй-қузилари қовжираб қолган янтоқ ва шувоқларнинг учунчини еб-юлқиб юришибди.

— Сувингдан бир обдаста бермасанг, танглайим қуриб қопяпти, — деди чол ирғай таёғига суянганича. — Бугунга етадиган сувим бор эди. Тушликда хуржунни ерга қўйиб, сурувнинг бошини қайтарган кетсам, ана у серка тумшуғи билан турибди, обдастани думалатиб юборибди. Бор-йўқ суви тўкилиб кетибди.

Сув берган савоб... Шартта кранни очдим-да, отахоннинг обдастасини сувга тўлдириб бердим.

— Айналайин-ов ширагимдан!— деди қозоқ отахон терисига сиғмай севиниб.

Чўпон билан хайрлашиб, йўлда давом этдим. Қозоқ отахон минатдорчилик билдириб, қўл силтаб қоларкан, бундай деди:

— Ҳар куни шу сой ёқасидан ўтавер-ов, барака топгур! Чол тўғри айтди. Унга ҳам, қўйларига ҳам, бепоён чўлга ҳам сув керак. Ҳа, у кун яқин. Лотокларнинг бир учи совхозимиз далаларидан ўтиб, чўл ичкарисига кириб боряпти. Тағин уч-тўрт йилдан сўнг отахон қўй боқиб юрган мана шу ерларда ҳам пахтазорлар, боғлар барпо этилади. Бу ерлар ҳам Фарғона водийсига ўхшаб қолади...

Тўлан шуларни хаёлидан ўтказиб, совхоз марказига етиб келганини ҳам сезмай қолибди. Бу гал акаси ҳам, совхознинг бошқа раҳбар ходимлари ҳам уни илиқ ва самимий кутиб олишди. Бургичигини дуруст бажараяпсан, эртадан бошлаб трактор культиваторида ишлайсан, дейишди.

Шундай қилиб, ёш чўлқувар Тўлан Дадажонов биринчи синовдан ўтди. Чўлнинг қандай эканлигини анча-мунча билиб олди. Унга тракторни ишониб топширганларидан сўнг ишга шундай берилиб кетдики, энди уни олдига тушадиган механизатор кам эди. Тўлан вақт билан ҳисоблашмай меҳнат қилди, ғўза қатор ораларини узунасига ва кўндалангига культивация қилишда ҳаммага намуна кўрсатди. Керак бўлганида тунлари ҳам далада қолиб кетди. Қандай иш буюришса йўқ деб турмади, вақтсоатида бажо келтирди. Сувчилар етишмай қолган тунларда ғўзаларга оби-ҳаёт таради, кундуз кунлари эса қатор ораларини культивация қилди. Йигим-терим арафасида унга «Ўзбекистон» маркали агрегат беришди. Мавсумда 500 тоннадан ортиқ «оқ олтин» териб биринчиликни эгаллади.

— Тўлан — меҳнаткаш йигит!— дейишди совхоз раҳбарлари. — Энди ўзи, ўз қўли билан янги ер очсин, бригада тузсин.

Тўлан Дадажоновни олти кишидан иборат комплекс механизациялашган бригадага бошлиқ қилиб тайинлашди. Бригада 120 гектар ер ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик оборотига киритди. Шунча майдонда олти киши ишлади. Ерни Тўланнинг ўзи ва ёрдамга келган икки бульдозерчи текислашди. Чигитни эса бригадирнинг ўзи экди. Ёз бўйи тер тўкиб меҳнат қилди. Ғўза қатор ораларида беш марта культивация ўтказди. Экин ўғитларга тўйдирилди, сувга қондирилди. Ҳар туп ғўза меҳр билан парваришқилинганлиги туфайли барча майдонларда кутилганидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Ҳар гектар ердан пландаги 13 центнер ўрнига 36 центнердан хирмон кўтарилди. Тўланнинг ўзи машина бункеридан 700 тоннадан зиёд пахта тўкди. Шу тариқа унинг ишлари юришиб кетаверди. Йилдан-йилга мўл ҳосил етиштириб, барчадан кўп пахта тераверди. «Оқ олтин»нинг таннархи эса бошқа бригадалардагига нисбатан анча арзонга тушаверди.

Тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи, учинчи йилидаги ютуқлар айниқса салмоқли бўлди. Тўлан Дадажонов бошлиқ бригада гектар бошига 45 центнерга етказиб пахта топширди. Бригадирнинг ўзи «зангори кема» бункеридан 900 тоннадан зиёд дур тўкди. Дала гвардиячилари — суворийлар мусобақасида тағин голиб чиқди. Партия ва ҳукуматимиз унинг ана шу ажойиб ишларини тақдирлаб, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берди.

— Бу олий мукофот, — дейди Тўлан Дадажонов, — бригадамиз аъзоларининг, қолаверса, бутун совхоз коллективининг меҳнатига берилган юксак баҳодир. Нега десангиз, ҳозиргидек замонавий техника, шундай азамат коллектив бўлмаганида бундай улуғ бахт-иқболга эришиш амри маҳол эди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўлан Дадажонов тўғри айтади. Акаси — марҳум Мамажон Дадажонов ҳам ер очиб, чўл қуриб қаҳрамон бўлган. Унинг олижаноб ишини Тўлан ҳамда дўстлари давом эттиришяпти. Марказий Фарғона ерларини, Мирзачўл ва Қарши даштини, Шерободдаги яйдоқ майдонларни, хуллас, аср-лардан-асрларга, наслдан-наслларга «сув-сув» дея ҳансираб ётган саҳролар харитасини кўкка бўяётганлар ҳам шулар.

С. ҚОДИРОВ,
Я. ТЎХТАЕВ,
«Совет Узбекистони» махсус мухбирлари.

Қуш хабарлари

◆ **АНДИЖОН.** 467-кўприксозлик поездининг коллективи гидротехника иншоотлари устига қурилган 50 метр кенгликдаги учта кўприкни бирдан фойдаланишга топширдилар. Кўприклардан бири Ленин районидаги икки колхоз ўртасида Асака сойи орқали ўтадиган йўлни қисқартади. Иккинчи кўприк Шаҳрихонсойни кесиб ўтган, учинчи кўприк эса канал устига қурилган бўлиб, қадим ва ахтачи қишлоқларини бир-бири билан боғлайди.

◆ **ЖИЗЗАХ.** Бу ердаги бинокорлик материаллари комбинатида янги керамзит заводи қурила бошланди. Қарши даштидаги ишлар кенгайиб боряётганлиги муносабати билан шундай заводни қуриш зарур бўлиб қолди. Корхона ишга туширилиши билан комбинатда керамзит ишлаб чиқариш ҳозиргига нисбатан қарийб 2,5 баравар кўпаяди. Ишлаб чиқариш замонавий технология асосида лойиҳалаштирилмоқда.

◆ **ТЕРМИЗ.** Бу ерда квартира ва корхоналарни табиий ёқилғи билан таъминлаш учун газ шохобчаларини барпо этиш ишлари бошланди. Йирик газ қувурларидан четрокда жойлашган бу шаҳарда ҳозир суйилтирилган газ-дангина фойдаланилмоқда. Лекин 1975 йилдаёқ Калиф — Душанба газ магистрали бу ерга етиб келади. Ана шу газ қувури орқали Афғонистон гази Термизга келадиган бўлади.

◆ **НУКУС.** «Союзлакрица» бирлашмаси Узбекистон филиалининг коллективи буюртмачиларига йиллик планда белгиланганидан 1970 тонна кўп чучукмия илдизини жўнатди. Бу маҳсулотнинг ярмидан кўпроғи Туркманистон ва Қозоғистондаги экстракт заводларига юборилди. Чучукмиянинг қолган қисмини — 853 тоннасини АҚШ, Италия ва Япония фирмалари харид қилишди.

(ЎзТАГ).

ҲУҚУҚ ТАРТИБНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

Республика ички ишлар органлари раҳбар ходимларининг республика кенгаши-семинари Тошкентда тўрт кун давом этди. Кенгаш ҳуқуқ-тартибни ва социалистик қонунчиликни янада мустаҳкамлаш соҳасидаги вазифаларни қараб чиқди. Шу ҳақда Ўзбекистон ССР ички ишлар министри ички хизмат генерал-лейтенанти Ҳ. Х. Яхъёев доклад қилди.

Кенгашда ҳуқуқ-тартибларни бузишнинг олдини олиш, милиция ходимларининг жамоатчилик билан алоқасини мустаҳкамлаш масалаларига катта эътибор берилди. Жиноятчилик билан курашда энг янги техникадан самарали фойдаланиш, жамоат тартибини сақлаш юзасидан комплекс тадбирларни амалга оширишда энг яхши натижаларга эришган бўлимталарнинг тажрибасини кенг ёйиш зарур эканлиги таъкидланди.

Кенгаш иштирокчилари ўтказган амалий машғулот чоғида бўлимталарнинг ишини ташкил этишнинг ҳар хил методлари ўрганилди. Улар Олмалиққа бориб, ҳуқуқ-тартибни бузишнинг олдини олиш мақсадида милиция билан жамоат ташкилотларининг фаолиятини йўналтириб турувчи илғор таянч пунктларининг ишлари билан танишдилар. Ички ишлар органларининг раҳбар ходимлари хавфли жиноятчи билан курашда ҳалок бўлган младший лейтенант А. И. Бескостин номидаги давлат автоинспекцияси постини бориб кўрдилар. Улар Тошкентда очилган «Ҳамиша ҳушёр туримиз» деган Бутуниттифоқ кўчма бадиий виставкасини томоша қилдилар. (ЎзТАГ).

ФАН ЯНГИЛИКЛАРИ

ҲАЁТ ИМТИҲОНИ

Тошкент область Оржоникидзе райони территориясига жойлашган Ленин ордени Н. И. Вавилов номли Бутуниттифоқ ўсимликлар илмий тадқиқот институтининг тажриба-синов станцияси илмий ходимлари дунё ўсимликларини Ўзбекистон иқлим шароитига мослаштириш борасида изланиш ишлари олиб бормоқдалар. Бу ерда биргина бугдойнинг уч юздан ортиқ нави ўрганилянти. Академик П. П. Лукьяненко кашф этган «Аврора» ва «Кавказ» навлари эртапишар, серҳосил. Бундай бугдой навлари Сурхондарё областидаги генерал С. Раҳимов номли колхозда синаб кўрилганда, гектаридан 95 центнердан ҳосил кўтариш мумкинлиги исботланди.

Мексикадан келтирилган бугдой навлари ҳам яхши самаралар беряпти. Фарғона областининг «Социализм» колхозида Мексика бугдой навлари синаб кўрилди. Бунда ҳосилдорлик 4,4 баравар ортганлиги қайд қилинди.

Шунингдек, тажриба-синов станциясида узумнинг 1200 нави ҳам ўрганилмоқда. Голландия ва Италиядан келтирилган «Мавруд» ва «Итальян» узумлари Ўрта Осиё шароитига жуда мос тушмоқда. Бўстонлиқ районининг тоғлиқ зоналарида ўтказилган тажриба бу узумларни бир йил ичидаёқ ҳосилга кириши мумкинлигини кўрсатмоқда.

А. ФОЗИЛОВ.

Планетамизда



Нигер Республикасининг пойтахти — Ниамей шаҳрида очилган Совет фотовиставкаси зўр муваффақият билан ўтмоқда. Кўргазмага қўйилган фотосуратлар кўпмиллатли Совет давлатининг ҳаёти ва тараққиёти ҳақида ҳикоя қиладн. Суратда: Совет Иттифоқининг Нигердаги элчиси Г. Д. Соколов (ўнгда) совет кўргазмасининг уч мингинчи томошабинига эсдалик совға топширмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

СОВЕТ—ҲИНДИСТОН СИМПОЗИУМИ

ДЕҲЛИ, 13 декабрь. (ТАСС). Ҳиндистон пойтахтида «Қисқа пояли бугдой навлари чиқариш методлари»га бағишланган икки кунлик Совет — Ҳиндистон симпозиуми очилди. Симпозиумда В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг академиги В. Н. Ремесло Совет делегациясига бошчилик қилмоқда. Унда селекция соҳасидаги 20 дан ошиқ етакчи ҳинд мутахассис олимлари қатнашмоқдалар.

Ҳиндистон қишлоқ хўжалиги министрлигидаги давлат министри А. П. Шинде симпозиумни очиш маросимида нутқ сўзлаб, Ҳиндистон ва Совет олимларининг қишлоқ хўжалиги соҳасида биргалашиб қилаётган ишлари ҳар икки томонга наф етказмоқда, чунки икки мамлакат бир қанча районларининг иқлим ва тупроқ шароитлари мос келади деди.

ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН

НЬЮ-ЙОРК, 11 декабрь. (ТАСС). БМТ Бош Ассамблеясининг биринчи комитети халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги декларациянинг амалга оширилиши ҳақидаги масалани кўриб чиқиб бўлди. Бу декларацияни СССРнинг таклифига биноан Бош Ассамблея 1970 йилда қабул қилган эди.

Комитет 23 та социалистик ва ривожланаётган мамлакат делегациялари таклиф қилган резолюция лойиҳасини қабул қилди. Бу резолюция лойиҳасида барча давлатлар тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга кўмаклашишга даъват этилади.

Қабул қилинган ҳужжатда ажнабийларнинг ҳукмронлиги остида бўлган халқлар курашининг қонуний эканлиги таъкидланади. Ўз табиий ресурсларидан тасарруф қилиш суверен ҳуқуқини амалга оширувчи давлатга қарши қаратилган ҳар қандай чора халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ва аралашмаслик принципини йўл қўйиб бўлмайдиган даражада бузиш эканлиги ҳужжатда таъкидлаб ўтилади.

ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЎРНАТИЛДИ

ПРАГА, 11 декабрь. (ТАСС). Чехословакия Социалистик Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ҳукуматлари шу бугундан бошлаб элчихоналар даражасида ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатишга қарор қилдилар, деб хабар беради ЧТК агентлиги.

ПОЛЬША БИРЛАШГАН ИШЧИ ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИНИНГ МАЖЛИСИ

ВАРШАВА, 12 декабрь. (ТАСС). Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўз мажлисида маҳаллий халқ советларига сайловлар кампаниясининг боришига ва унинг натижаларига юксак баҳо берди. Сиёсий бюро халқ бирлиги фронти номзодлари қўллаб-қувватланганлигини ва сайловларда ҳамманинг иштирок қилиши меҳнатташаббусларининг халқ бирлиги фронти етакчи кучи бўлган Польша Бирлашган ишчи партияси сиёсатига ишончининг ифодаси эканлигини уқтирибўтди. Овоз бериш якунлари бутун халқнинг бирлигини ва юксак ватанпарварлик оғлини яна бир марта намойиш қилди.

Сиёсий бюро мажлисида, шунингдек, Польша Бирлашган ишчи партияси VI съезди ҳамда ПБИП Умумпольша биринчи конференцияси қарорларини бажарилиш юзасидан партиянинг идеология ишларига доир масалалар муҳокама қилинди.

ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси Польша Халқ Республикаси ташқи ишлар министрининг Вонида олиб борган музокараларининг натижалари тўғрисидаги ахборотни тинглади ва маъқуллади.

ЕВРОПА ПАРЛАМЕНТИ СЕССИЯСИ

ПАРИЖ, 11 декабрь. (ТАСС). Страсбургда Европа парламентининг навбатдаги сессияси очилди. «Умумий бозор»га қўшилган тўққиз мамлакат парламент аъзолари биринчи мажлисда Европа ҳамжамияти комиссияси тақдим этган 1974—1996 йилларга мўлжалланган ижтимоий тараққиёт программасини муҳокама қилабошлади.

Дастлабки нутқлардаёқ, Ғарбий Европа мамлакатларида иш билан банд бўладиганларни кўпайтириш программаси бажарилмай қолади деган шубҳалар билдирилди.

Нотиқлар пул қадр-қимматининг тобора тушиб кетаётганлиги ва энергетика танқислиги ошиб бораётганлиги «Умумий бозор»га қўшилган мамлакатларда ишсизлар сонини янада кўпайиши хавфини тугдирганлигини ва аҳолининг камбағал қатламлари турмуш даражасига зарба беришини таъкидлаб ўтмоқдалар.

КАМБОДЖА ОЗОДЛИК КУЧЛАРИНИНГ ОПЕРАЦИЯСИ

ХАНОЙ, 11 декабрь. (ТАСС). Камбоджа озодлик кучлари бўлинмалари Тонлесап дарёсини кечиб ўтиб, Пномпендан 17 километр чамаси Шимолий-ғарбда жойлашган Пуролум аҳоли пунктидан уч километрлик участкада 5-йўлни кесиб қўйдилар. Пномпень қўшинларининг қўмондонлиги ватанпарварларнинг пойтахт томон ҳаракатини тўхтатишга уриниб, 5- йўл районига шошилинч суратда пиёдалар ва танкларнинг йирик бўлинмаларини ташламоқда.

Иғвогарлик хуружига зарба берилди

ДАМАШҚ, 12 декабрь. (ТАСС). Сурия ҳарбий қўмондонлиги вакилининг айтишига қараганда, фронтнинг шимолий участкасида Иерөил ҳарбий қисмлари 11 декабрда Сурия қўшинларининг олдинги позицияларини турган районга бостириб киришга уриндилар. Бироқ Сурия қўшинлари тўплардан ўт очиб, бу иғвогарлик хуружига зарба бердилар. Икки соатга давом этган отишма давомида душман ҳарбий қисмлари талафот бериб, чекинишга мажбур бўлдилар.

ХУНТАНИНГ ЎЗБОШИМЧАЛИГИГА ҚАРШИ

● **ГАВАНА.** Куба журналистлар союзининг президенти Эрнесто Вера ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: «Чили ҳарбий хунтаси томонидан ватанпарварларга қарши олиб борилаётган шафқатсиз репрессияларни бутун мамлакатимиз халқи каби Куба журналистлари ҳам қаттиқ қоралямоқдалар. Биз Чили Коммунистик партиясининг бош секретари Луис Корваланнн ва бошқа сиёсий маҳбусларни дарҳол қамоқдан бўшатишни талаб қиламиз». Чили халқининг минглаб энг яхши фарзандларини ўлдирган ёки турмаларга тиқиб қўйган қонхўр диктатурасининг ёвузликларини кўпалинлар кескин равишда қоралямоқдалар, деди Эрнесто Вера.

● **БРАТИСЛАВА.** Словакия Коммунистик партиясининг марказий органи «Правде» газетасида босилган мақолада «Чилида ҳокимиятни эгаллаб олган реакцион\ генераллар мамлакатни қамоқ лагерига айлантириб, ўзларининг сиёсий мухолифларини ўлдириб йўқ қилишдан иборат жиноий йўлни ўтказиб келмоқдалар», дейилади. «Правде» газетасида босилган мақолада фашистлар хунтаси томонидан қилинаётган террор ва бедодлик қатъиян қораланди.

● **РИМ.** Сальвадор Альенде номидаги Италия — Чили жамияти бутун мамлакатда Чили халқи билан бирдамлик кампанияси ўтказишни тавсиф қилди.

Шу ташкилот эълон қилган баёнотда бундай дейилади: «Чилидан келаётган хабарлар у ерда ватанпарварларни қамоққа олиш ва қийнаш тўхтовсиз давом этаётганлигини, меҳнаткашлар кўплаб ишдан бўшатилаётганлигини кўрсатиб турибди. Ўн минглаб оилалар яшаш учун ҳеч бир пул тополмайдиган бўлиб қолдилар».

«Италия — Чили» жамияти Чилида ўзининг демократик қарашлари учун ҳалок бўлган ёки таъқиб қилинаётган кишиларнинг оилаларига ёрдам фондига маблағ тўплашни ташкил этишга даъват қилди.

(ТАСС).

БИЗНИНГ ШАРҲ

ЭСКИ ЙЎЛДАН

Брюсселда НАТО кенгашининг икки кунлик қишки сессияси ўз ишини тамомлади. Сессия кескин тортишувлар остида ўтганлигини телетайп келтирган хабарлар кўрсатиб турибди. Жумладан, НАТОга аъзо бўлган Европа давлатлари АҚШдан ушбу блок ҳарбий харажатларининг кўпроқ қисмини қоплашни талаб қилдилар. АҚШ эса ўз навбатида НАТО аъзоларини ҳарбий бюджетларини оширишга чақирди.

Маълумки, қишки сессия арафасида НАТОнинг турли-туман комитетлари, группа ва комиссияларининг қатор мажлислари, кенгашлари бўлиб ўтди. НАТОнинг катта-кичик генерал ва дипломатлари матбуот вакилларига баёнотлар бердилар. НАТОнинг бош секретари Й. Лунс матбуот конференциясида сўзлаган нутқидан яна «совуқ уруш» ҳиди келиб турди. НАТО бош секретари блокнинг ҳарбий қудратини оширишга, қуролли кучлар учун жиҳатилаётган маблағларни янада кўпайтиришга чақирди.

Европа ва бутун дунёда халқаро ҳаёт аста-секин яхшиланаётган, тинчлни ва хавфсизлик ишончарор топаётган ҳозирги даврда НАТО штабидан берилаётган ушбу баёнотлар мавжуд реалликдан чекинишдан бошқа нарса эмас. Маълумки, НАТО немасининг капиталлари йилма-йил ҳарбий бюджетни ошириб бормоқдалар. Масалан, 1973 йилда блокнинг ҳарбий сарфи 1972 йилга нисбатан 2,9 миллиард долларга ўсди. Янги, 1974 йилда эса НАТО харажатлари яна 2 миллиард долларга кўпаяди ва у тахминан 119 миллиард долларни ташкил қилади.

Умумевропа кенгашининг иккинчи этапи тугалланаётган, қитъада қуролли кучлар ва қуролларни қисқартириш тўғрисида Венадаги музокаралар давом этаётган ҳозирги кунларда НАТО дипломат ва генераллари яна ўзларининг эски, сийқаси чиққан ва жаҳон жамоатчилиги томонидан кескин қораланган қўшиқларини айтмоқдалар.

Ленин энди Европада тинчлик ва ҳамкорлик томон қўйилган ҳар бир қадам, яхши самаралар бермоқда ва тинчлик кучлари тантана қилмоқда.

Талъат СОЛИЕВ.

АНГЛИЯ—АМЕРИКА МУЗОКАРАЛАРИ

ЛОНДОН, 13 декабрь. (ТАСС). АҚШ давлат секретари Г. Киссинжер Англия бош министри Э. Хит билан учрашди, шунингдек ташқи ишлар министри ва миллатлар ҳамдўстлиги ишлари министри А. Дуглас-Хьюм билан суҳбатлашди.

Англия Ташқи ишлар министрлигининг вакили Англия билан Америка ўртасидаги бу музокараларда мақсад Яқин Шарқдаги кризис чоғида «умумий бозор»га қўшилган мамлакатлар билан АҚШ ўртасида пайдо бўлган келишмовчиликларни бартараф қилишдан иборат, деб хабар берди.

АХБОРОТ

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

ТЕЛЕВИЗИОН ФИЛЬМ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ўзбекфильм» киностудияси ижодкорлари республика халқ артисти, таниқли кино режиссёр Зоҳид Собитов бошчилигида янги картина яратдилар. Фильм ёзувчи Асқад Мухторнинг «Чинор» романи асосида экранлаштириди. Уч серияли мазкур телевизион фильм Бутуниттифоқ Марказий телевидениесининг буюртмаси асосида суратга олинди.

ЯНГИ АВТОМАТЛАР

Тошкент тўқимачилик комбинатида ЧССРдан келтирилган янги ип-йигирув автоматлари ўрнатилди. Бу техника ёрдамида иш жараёни ҳар жиҳатдан автоматлашди. Унумдорлик бирмунча ошди. Янги автоматларни чехословакиялик мутахассислар созладилар.

БАХМАЛ МАРМАРИ

Самарқанд областидаги Бахмал тоғларидан олинаётган мармар тошлар Тошкент метроси қурилишида қўл келмоқда. Нафис ва кўркам мармарларни Москва, Ленинград, Боку ва Киев қурувчилари ҳам ёқтириб қолишди. Яқинда Москва ва Киев метро қурувчиларига бир неча минг кубометр мармар юборилди.

ЮҚОРИ БАҲО

Тошкентдаги «Миконд» заводида ишлаб чиқарилаётган биллур идиш-буюмлар юқори баҳо олди. Яқинда Пенза шаҳрида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ аттестация-баҳолаш йиғинида мутахассислар биллур буюмларимизнинг нафис ва чиройли ишланганлиги учун биринчи категория беришди.

ҚУЛОЧ ЕТМАС ТАРВУЗЛАР

Республика халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси залларида полиз маҳсулотларига алоҳида ўрин берилди. Кўргазмада полизларда етиштирилган қулоч етмас тарвузлар, сертўр қовун ва сабзавотлар намойиш қилинмоқда. Маҳсулотлар Тошкент областининг Калинин ва Оржоникидзе районлари далаларида етиштирилган.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

ИСТЕЪДОД ЖИЛОСИ

БИЗНИНГ ҚАЛЕНДАРЬ.

(ҲУСАЙН ШАМС ТУҒИЛГАН КУННИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА)

Ҳусайн Шамс ўзининг баракали ижоди билан ўзбек совет адабиётининг ривожланишига катта ҳисса қўшган адиблардан биридир.

У 1903 йилда Қўқон шаҳрида камбағал косиб оиласида туғилди, Улуғ Октябрь социалистик революциясигача бўлган оғир ҳаёт барча камбағал болалар қатори ёш Ҳусайнинг ҳам бахтини бўғди:

Кулиш нима,
Ўйнаш нима, билмадим...
Узгалардек шодлик сувидан
ичмадим, —

дейди шоир.

У «она сути оғзидан кетмаган ўн бир ёшли» эканлигидаёқ «Садои Фарғона» газетасининг босмахонасига ҳарф терувчи бўлиб ишга кирди. Турмуш азобидан Ҳусайнни Улуғ Октябрь социалистик революцияси озод қилди. Совет ҳокимияти йилларида у полиграфия саноатини чуқур ўрганди ва Ўзбекистонда социалистик полиграфиянинг ривожланишида актив иштирок этди.

1924 йилда Ҳ. Шамс Тошкентдаги Туркистон Давлат нашриётининг Биринчи намуна босмахонасига ишга таклиф этилади ва 1927 йилгача шу босмахонада ишлайди. 1927 йилда у Самарқанддаги Марказий босмахонанинг ҳарф териш цехига бошлиқ этиб тайинланади. Кейинроқ Ҳ. Шамс шу босмахона завкомининг раиси, босмахона директорининг ўринбосари бўлиб ишлайди. 1930 йилда Ўзбекистон Матбаа трестига ишга ўтади.

1922 йилдан бошлаб Ҳ. Шамс маҳаллий матбуотда кўрина бошлайди, дастлаб унинг кичик хабар, шеър, очерк ва ҳикоялари босилиб чиқади. «Ҳар бир халқнинг ижоди лирикачиликдан бошланган каби ҳар бир шоирнинг ижоди ҳам лирикачиликдан бошланади»,— дер эди В. Г. Белинский. Ҳусайн Шамс ҳам ўз ижодини шеър ёзишдан бошлади. «Гудок» нашр этилди. Тўпламга «Кавказ» (юлдуз) деган тахаллус билан имзо чекилган эди.

Бу давр адабиётининг асосий темаларидан бири — социалистик меҳнат темасидир. «Гудок» тўпламига кирган «Ишчи», «Заводда», «Ёш ишчи», «Тонг чоғида», «Меҳнат», «Бу уят эмасми!» каби шеърларида шоир социалистик меҳнат туфайли бахтга эришган совет қишиларининг ҳис-туйғуларини ифодалайди.

«Салом» шеърида шоир Ўзбекистон Компартиясининг иккинчи қурултойи делегатларига, пўлат иродали Ленин партиясига ёлқинли салом йўллайди. «Сени соғиниб», «Москва» шеърларида совет кишисининг социалистик Ватанга муҳаббати тасвирланган.

«Чўрилар исёни», «Қутлайман» каби шеърлари хотин-қизлар озодлиги темасига бағишланади. Шоирнинг лирик қаҳрамони «Чўрилар исёни» шеърида ўтмишни эсласа, «Қутлайман» шеърида озодлик байрами — 8 Мартни улуғлайди:

Бугун байрам, туғмиш шодлик
кунларинг,
Бугун сенинг очилмишдир
гулларинг,
Эрк гулини тақди махзун
қалбларинг,
Йўқ бўлдилар оҳу-фиғон
фарёдинг,
Қучоқ-қучоқ мендан салом —
олқишлар.


Бу шеърида шоирнинг Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижодидан таъсирланганлиги яққол кўриниб турибди.

1931 йилда Ҳусайн Шамснинг иккинчи шеърлар тўплами — «Сигнал» нашр этилди. Тўпламдаги «Ҳайкал ёнида», «Юрак дардлари» шеърлари В. И. Ленинга бағишланган. Улуғ Ленинниинг ўлими барча меҳнаткашлар сингари шоир Ҳусайн Шамснинг ҳам юрагини чуқур тирнаб кетган. У Ленин ҳайкалига бағишлаб, «Ҳайкал ёнида» шеърини ёзади ва унда шоир ўзининг барча ишларида Ленин васиятларини бажариш учун хизмат қилиши, Коммунистик партия ишига содиқ эканлигини гурур билан тараннум этади:

Сенинг васиятингни
Большевикларча,
Пролстарларча бажаришга
киришдим.

Ҳ. Шамснинг «МОПР», «Хитой ёнадир» шеърлари эса халқаро озодлик ҳаракати тарихига бағишланади. Бу шеърларида у жаҳон капиталистларининг «севгиси — қон», «фамилиялари — зулм, исмлари — даҳшат, тилаклари — ҳокимлик, турар ерлари — қонли сарой, касблари — жаллодлик» эканини фош қилади.

Ҳусайн Шамс ўз ижоди билан «Санъат — санъат учун» деган реакцион шиорга қарши чиқди ва «санъат, адабиёт халқ учун хизмат қилиши керак» деган ғоя-ни илгари сурди. Ҳ. Шамснинг



ўзи доимо халқ билан бирга ҳамнафас бўлди, у ўз асарларида воқеликни, социалистик жамият муваффақиятларини куйлади, у шоирларга ҳитоб қилиб асарнинг темаси реал воқелик, гуллаган социалистик жамият муваффақиятларидан олиб ёзилиши керак, дейди. Бу даврга келган Ҳусайн Шамснинг эстетик принципи тўлатўкис шаклланиб бўлган эди.

Ҳусайн Шамснинг поэтик мероси совет кишисининг она-Ватанга муҳаббати, меҳнатга янгича муносабати, душманга нафрати каби сиёсий масалаларни бадиий ифодалашга интилиши билан диққатга сазовор ва ўша давр ўзбек совет поэзиясига қўшилган маълум ҳиссадир. Ҳ. Шамс «Трактор-чи қиз», «Қизил байроқ», «Дастгоҳ қўшиғи», «Истак амалда», «Зарб» номли поэмаларининг ҳам авторидир.

Ҳусайн Шамс бир неча драматик асар ёзган бўлиб, улар «Учинчи бригада», «Заводдан қишлоққа», «Танқид», «Талваса», «Кураш» деб аталади. Ҳ. Шамс драмалари ўз даврининг актуал темаларида ёзилган, гарчи улар ҳажм жиҳатидан кичик бўлса-да, ўзбек совет драматургиясининг дастлабки намуналари сифатида аҳамиятлидир.

Ҳусайн Шамснинг ижодий қобилияти айниқса ўнинг прозасида ёрқин кўринади. Ҳ. Шамс ҳикояларида завод ҳаёти, беш йиллик план, социалистик мусобақа, заводдаги дангаса, ишёқмас ичувчи, прогулчиларга қарши кураш каби темалар ёритилади. «Ўзгариш» ҳикоясида ёзувчи революциядан олдинги оғир ҳаёт билан совет давридаги қувноқ ҳаётни бир-бирига солиштиради, шу йўл билан совет даврининг, озод ва бахтиёр ҳаётнинг ҳимматини очади, уни улуғлайди.

1931 йили «Қурилиш» журналида босилган «Дардли йигит», «Рашк» ҳикояларида ёзувчи саноатдаги социалистик мусобақа ва рационализаторлик темасини кўтариб чиқади. «Сўтак», «Радио» ҳикояларининг темаси ҳам социалистик мусобақадир. 1932 йилда босилган «Раҳна» ҳикоясининг қаҳрамони Қизларой ва бригадир Тожихон, райком вакили Юнусов колхоз ҳаётига раҳна солувчи синфий душман Мирсалимбой ва Мастонларнинг қилмишларини фош қилади.

Ҳ. Шамснинг 1935 йили босилиб чиққан «Кичик ҳикоялар» тўпламига «Келин тушди», «Ота», «Янги рўзғор», «Саржанг бобо» каби ҳикоялар киритилган. Бу ҳикояларда меҳнаткаш халқ ўтмишда кечирган оғир турмушнинг аянчли манзарасини чизиб бериш билан, ўқувчиларни халқлар озод ва бахтиёр яшаётган социалистик Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга ёрдам беради. Чунки биз **«Ўтмишни қанчалик яхши билсак, ҳозирги замонда яратилаётган ишларнинг буюк аҳамиятини шунчалик тез, чуқур ва ҳурсандлик билан англаймиз»** (М. ГОРЬКИЙ).

Ҳусайн Шамс йирик эпик полотнолар ҳам яратган. Шулардан бири «Душман» (1934) романидир. Бу асар ўзбек совет адабиётида коллективлаштириш темасида ёзилган энг йирик асарлардан бири ҳисобланади. Унда Ўзбекистон қишлоқларини ёппасига коллективлаштириш, хусусан, батракларнинг бу соҳадаги фаолиятини акс эттириш, колхозга суқулиб кириб олиб, колхоз тузумига қарши чиқувчи синфий душманларга қарши кураш романнинг мазмунини ташкил қилади.

1935 йилда республикада энг яхши бадиий асарлар учун конкурс эълон қилинди. Ҳ. Шамс бу конкурсга атаб «Ҳуқуқ» номли романини ёзди.

Романнинг бош қаҳрамони Содиқ ижтимоий воқеаларнинг ривожланиши ва большевикларнинг раҳбарлиги остида оддий ишчидан онгли революционергача ўсиб чиқади. Совет ҳокимияти барпо этилиши учун актив кураша-ди. Содиқ кўпгина қийинчилик ва оғирликларни ўз елкасида синаб кўрган ўзбек меҳнаткашларининг типик вакилидир. Бу образ орқали автор ўқувчини ҳар қандай қийинчиликларни дадиллик билан енгишга, Совет давлатини мустаҳкамлаш ва уни севишга, мамлакатимиз душманларига нафрат кўзи билан қарашга ўргатади.

Ҳ. Шамс республика адабий ҳаётида актив иштирок этди. 1931 йилда у Ўзбекистон пролетар ёзувчилар ассоциациясида, кейинроқ эса «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журналининг адабий ходими вазифасида ишлади.

Бутуниттифоқ совет ёзувчилари 1 съездига қатнашган Ўзбекистон делегацияси составида Ҳ. Шамс ҳам бор эди. Съездда у А. М. Горький билан учрашади. Горькийнинг мароқли, сермазмун сўзларини завқ билан тинглайди.

1936 йилда Ҳ. Шамс Ўзбекистон Совет Ёзувчилари союзига секретарь бўлди; 1939 йилда Ўзбекистон Давлат Нафис адабиёт нашриётининг бош редактори бўлиб ишлай бошлади. 1940-1941 йилларда «Муштум» журналига редакторлик қилди.

Коммунист ёзувчи, шоир, драматург ва актив жамоат арбоби Ҳ. Шамснинг ўзбек адабиёти олдида хизмати катта. Адибнинг салмоқли ижодини ўрганиш, кенг китобхонлар оммасига чуқур таҳлил қилиб бериш ўзбек адабиётшунослигининг муҳим вазифаларидан биридир. Зероки, устоз адиблар тажрибаси ҳамиша ижоднинг равнақига хизмат қилади.

Лазиз ҚАЮМОВ,
профессор.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.40 — Мультфильм. 18.50 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.20 — Мусиқали кўрсатув. 20.00 — «Ахборот». 20.15 — «Наштар» — студиямиз меҳмони. 20.55 — «Ахборот». 21.15 — Баҳор давлат рақс ансамблининг концерти. 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — Фигурали учиш бўйича халқаро мусобақалар. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.30 — МОСКВА. Телефильм. 18.40 — «Испания». 19.10 — Ёш овозлар 20.30 — **Овчи хотиралари** (телеспектакль). 22.00 — «Азимут». 22.30 — **Қотилликда айбланадилар** (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Телефильм. 20.20 — Тошкентнинг бугуни ва эртаси. 20.40 — **Ҳеч ким ўлишни истамади** (бадиий фильм)

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 14/XII да **Майсаранинг иши**, 15/XII **Анда**, 16/XII **Севилья сартароши** (кундузи), **Танавор** (кечқуруи).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/XII да **Бой ила хизматчи**, 15/XII **Абу Райҳон Беруний**, 16/XII да **Абу Райҳон Беруний** (кундузи). **Шоҳ Эдип** (кечқуруи).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/XII да **Ажаб савдолар**, 15/XII **Жумагул**, 16/XII да **Ҳижрон** (премьера).

КИНО

Муҳаббат аланғаси (2 серия)— «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ПИЛЛИГИ», САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқуруи).

Анжелика ва қирол; Анжелика — фаришталар маликаси; — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқуруи).

Капитан Жек (10.00, 12.00, 14.00). **Кунгабоқар** (16.00, 18.00, 20.00, 21.45): — «ВОСТОК».

Сайха — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқуруи).

Фантомас — «МИР» (кундуз ва кечқуруи).

Алиби учун ярим миллиард — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқуруи).

Сангам — Г. ГУЛОМ номли (кундуз ва кечқуруи).

Севгига эришиш йўли (13.00, 17.00, 20.45), **Италиялик Америкада** (11.00, 15.00, 19.00): — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ».

Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузашти (жуфт соатларда), **Болалар ва ҳайвонларга раҳм қил** (тоқ соатларда): — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Майерлинг (2 серия) (11.00, 14.00, 17.00, 20.00), **Бувинсиз ўтган умр** (жуфт соатларда): — «ДРУЖБА».

Менинг исмим масҳарабоз (3 серия) — НАВОИЙ номли (12.00, 16.00, 20.00).

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

«БОЛАЛАР АРЧАСИ МУЗ УСТИДА»

1 ЯНВАРДАН 10 ЯНВАРГАЧА БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

ПРОГРАММАДА: оммавий ўйинлар, Ўзбек Давлат эстрадаси артистлари иштирокида театрлаштирилган томошалар, хоккей ва фигурали учиш мактаблари ўқувчиларининг чиқиши.

ТОМОШАЛАР: 10.00, 12.00, 14.00, 16.00 да бошланади.

5, 6 ЯНВАРЬ КЕЧ 6 ДА

«ЕШЛАР БАЛИ» ЎТКАЗИЛАДИ

БИЛЕТЛАРНИ НАҚД ПУЛГА ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН:

Спорт иншоотлари бошқармаси (В. И. Ленин майдони, 2, 3-хоналар. Телефонлар: 39-14-18, 39-19-05);

Марказий «Юбилей» спорт залн (Беруний майдони, 41-уй. Телефонлар: 48-62-50; 48-62-49; 48-67-75)дан олиш мумкин.

Кассалар 10 декабрдан бошлаб ҳар куни эрталаб соат 10 дан бошлаб ишлайди.

М. УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудири: чет тиллари;

кафедра доцентлари: қурилишни ташкил қилиш ва планлаштириш (3 ўрин), металл конструкциялар, умумий физика, қурилиш материаллари, қурилиш механикаси;

катта ўқитувчилар: қурилишни ташкил қилиш ва планлаштириш (3 ўрин), қурилиш механикаси,

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ариза ва ҳужжатлар институт ректори номига қуйидаги адресга юборилсин: Самарқанд-47, Лолазор кўчаси, 70-уй, Телефон 3-20-25.

ЮЛДУЗЛАР

Меҳнат билан камол топди
замину одам,
Меҳнат ила шуҳрат тарар,
ҳар мойдин ҳеч ҳам.
Агар меҳнат гунча ёзган янги
боғ бўлса,
Инсон эса меҳнатсевар
боғбондир ҳар дам.

* * *

Ажаб, гулгун пахтазорми
ва ё оқ гулзор?
Бениҳоя гул чиройин завқу
гашти бор.
Терим фасли, қайнаб-тошар
ҳар куни ҳирмон,
«Оқ олтин»нинг майдонлари
келгандайин тор.

* * *

Меҳнат қадр топган,
меҳнаткаш мамнун,
«Оқ олтин» ҳирмони мисоли
тоғдир.
Кўкракларга кўчар юлдузлар
бир кун,
Юраклар денгиздек жўшмоққа
қодир.

Тўлқин РАЖАБИЙ.

КЎПКУРАШ

Адам ОХОЦКИЙ, (Польша).

ҲАЖВИЯ

Спорт мусобақаларида қатнашмаганимга ҳам анча бўлди. Редакциямиз спорт бўлимининг мудири командировкага кетганида газетамиз учун спорт ҳисоботини ёзишга рози бўлдим.

Стадионга анча кечикиб кирдим. Мусобақа авжида эди. Кўчада келаётганимдаёқ ишқибозларнинг қичқириғи қулоғимни тешиб юборгудай эшитиларди. Сурила-сурила минбар ёнига етиб борибман-у, кўпкурашга тўғри келиб қолибман. Афтидан, қандайдир спартакиада ўтказиларди.

Айни шу пайтнинг ўзида ямяшил майдоннинг бир неча участкасида спортнинг турли хиллари бўйича кураш кетарди. Бир жойда спортчилар группаси югуриш эстафетаси ўтказса, бошқалари турли тўсиқлар устидан чаққонлик билан сакраб ўтишар, нарироқда эса гранаталар ирғитишарди.

Шу ернинг ўзида очиқ ҳавода худди боксга ўхшаб ўтаётган мусобақа ҳаммасидан кўра менга ёқиб тушди. Боксчилар рақибларига кучли зарба беришар, бири иккинчисини майдончанинг гоҳ у томонига, гоҳ бу томонига қисиб бориб, ўз маҳоратларини усталик билан намойиш қилишарди.

Лекин бир боксчи менга ёқмади. У зарбадан очиқдан-очиқ ўзини олиб қочаркан, чегарачининг нариги томонига ўтиб кетишига сал қолди.

Одамлар завқланиб ичаги узилгудай кулишарди. Мен авваллари югуришгами, граната ирғитишгами, кураш ёки боксгами — қайси бирига қарашни ҳам билмасдим. Буларнинг барчаси менга ёқарди. Жуда ҳурсанд бўлганимдан олган ҳамма тасаввуримни худди ўзидай қилиб ифодалашни кўнглимга тугиб қўйдим.

Шундай қилдим ҳам. Редакциямиз секретари ёзган ҳисоботимни ўқиди-да, завқланиб кетди. Спорт шарҳловчисининг ўзи бўлиб кетибсиз-ку! Ҳисобот ўз ишини яхши билган киши ёзгандай ажойиб чиқибди. ...ни теришга тушириб юбордим.

Ўша спартакиада қайси шаҳарда ўтказилганини нима сабабдан кўрсатмагансиз?


— Қайси шаҳарда деганингиз нимаси? Ўзимизникида-да. Кеча марказий стадионда ўтказилган.

— Кеча марказий стадионда «А» группаси бўйича мамлакат биринчилиги учун футбол мусобақаси ўтказилган эди-ю, — деди секретарь совуққонлик билан. — Мана газетамизда берилган эълон. «Соат 16 да — футбол».

16 да? Мен стадионга соат 18 да борувдим. Буни қаранг-а! Демак мен футбол мусобақаси тамом бўлиши биланоқ бошланган ишқибозларнинг уруйиқитига дуч келган эканман-да. Бир команда ишқибозлари бошқа команда ишқибозлари билан курашарди. Зарбадан ўзини олиб қочаётган, гоҳ чегара арқончасига суянib, гоҳ чеккага чиқиб кетаётган боксер, боксчи эмас, мусобақа судьяси экан.

Гранаталар ирғитишда ҳам янглишган эканман. Отилаётганлар оддий шишалар экан.

Русчадан Т. УНАБОЕВ таржимаси.



Тошкент цирки биноси ҳам Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг ярим асрлик юбилейига муносиб совға бўлади. Улкамиз пойтахтининг энг кўркам биноларидан бўлиб қолади. Суратда: цирк қурилиши майдонининг умумий кўриниши.

А. Авазов фотоси (ЎзТАГ).

ЯНГИ ҚУРИЛМА

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш Урта Осиё илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари пахтачилик учун машиналар давлат махсус конструкторлик бюросининг конструкторлари билан ҳамкорликда кўракни йириб кетадиган қурилма яратдилар. Бу иш иккинчи терим пайтида ўтказилади. Қурилма оддий пахта териш машинасининг шпинделлари ўртасига ўрнатилади. Йирилган кўсак дорилланмай ёки совуқ урмасданоқ тез қуритади. Натижада ҳосилни тезроқ териб олиш муддатларини қисқартириш имконини беради.

Ҳисоб-китоблар Ўзбекистондаги барча пахта териш машиналари шундай қурилма билан жиҳозланиши ўн миллион сўмни тежаб қолишини кўрсатди.

Кўсакни йириб кетадиган қурилма давлат синовидан ўтказилади. (ЎзТАГ).

Сеҳрли қўллар

Газетхон репортажи

Назокат кўзини очди-ю, девордаги соатга нигоҳи тушди ва наркоз ичида янз кўзини юмди. Хаёлида мен операция столида эдим-ку, соат йўқ эди-ку, деди.

— Назокат! — деган чақириқ хаёлини бўлди. Бемор ўзини ҳушёрроқ тортиб, кўзини очди. Каравотни оқ ҳалатли кишилар ўраб туришарди. Қирқ беш-эллик ёшлар чамасидаги доктор Назокатнинг бошини ушлаган ҳолда «Гапир, гапир, қизим» деб такрорлади. Бемор энтикиш аралаш «ая-ая» деди. Яна ҳалиги доктор:

— Нима бўляпти қизим, айт!— деди. Назокат чўзларини очиб, билмадим ишорасини қилди.

— Мана бу яраларинг оғрияптими? — сўради доктор бармоқлари билан ишора қилиб. Назокат ҳорғин ҳолда «ҳмм» деб жавоб берди.

— Ҳозир оғримайди. Укол келтиринг!..

...Хонага йигирма икки ёшлар чамаси нозиккина бир қизни аравачада операция хонасига олиб киришди. Беморнинг бош томонида турган новча, тўладан келган ёш доктор наркоз аппаратини унинг бурнига тўғрилади ва беморнинг хаёлини чалғитиб гапга солди:

— Шундай қилиб, андижонликман денг?

— Шундай!.. Бемор гапидан адашиб уйқуга кетди.

Хонага жимлик чўкди. Соат милларн секундларни кўрсатди. Уткир кўзлар бир нуқтага тўқнашди, қудратли қўллар эпчил бармоқларини ишга солди.

— Тампон, қисқич, ип, қайчи, ип, қайчи!.. Бу овоз бир неча дақиқалардан сўнг тинди. Беморнинг ҳаётига хавф солган касаллик олиб ташланди. Бемор операция столидан каравотга олиб ётқизилди. Орадан бир неча соат вақт ўтгандан сўнг врачлар беморни уйғотишга киришди..

— Назокат, Назокат!.. Бемор ҳорғин кўзларини ваҳима ичида очади, очади-ю, кўзи каравотни ўраб турган оқ халатлиларга тушади. Улар бири қўйиб, иккинчиси «гапир, гапир»— деб мурожаат қиладилар. Назокат ҳорғин овозда «ая-ая» дейди.

— Жуда соз, қизим, яна гапир, яна...

Назокат кучсиз овозда «сув» деди. Врачларнинг кўнгли ёришди.

— Яхши, қизим, ҳозир сув берамиз!.. Назокатнинг лаблари ҳиёл оппоқ дока билан намланди...

Бу шифокорлар Андижон, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Фарғона шаҳарларидан келган қанчадан-қанча беморларни оғир дарддан халос этмоқдалар.

Қумри исмли қиз ўйнаб юрарди. Беморлик белгиси кўринмайди. Мен уни узун кетган йўлка четидаги курсилардан бирига таклиф этдим. Биз танишганимиздан сўнг, ундан сўрадим:

— Қумри қаерингиз оғрийди?

— Вой опажонимей, энди яхши бўлиб қолдим. Эртага кетаман. Мени бу ерга олиб келишганида оғир аҳволда эдим. Тишларим атрофидан чиққан қон сира тўхтамасди. Қилмаган дори дармонимиз қолмади, бу қон кетиш мени ётқизиб қўйган эди. Докторлар қора жигаримни олиб ташлашни маслаҳат қилишди. Бундан ойим билан дадамлар ваҳимага тушдилар. Охири бўлмади, ҳаётим хавф остида қолган эди. Ота-онам шифокорлар маслаҳатига рози бўлишди. Шундан сўнг қора жигаримни олиб ташладилар. Энди яхши бўлиб қолдим... Шифокорларга раҳмат!

Булар кимлар дейсизми? Тошкентдаги гематология ва қон қуйиш илмий тадқиқот институтининг жонкуяр, меҳрибон шифокорларидан Учқун Олтибоев, Шароф Мирзаев, Эркин Шоабдукаримов, Қудрат Дадабоев ва бошқалар.

М. МАДРАҲИМОВА,
Андижон область Шаҳрихон шаҳридаги 1-поликлиника ҳодими.

СПОРТ янгиликлари

МОСКВА. Муз устида фигурали учиш бўйича ўтказилаётган «Москва конькиси» турнири давом этмоқда. Жуфт бўлиб рақс тушиш мусобақаларида ҳам совет фигурачилари олдиндилар. Н. Личничук билан Г. Карпоносов 110 балл тўплаб, фахрий супанинг юқорисига кўтарилишди. И. Моисеева билан А. Миненков, С. Алексеева билан А. Бойчукларга 2-3 ўрин берилди.

ЛОНДОН. Европа футбол кубоги — УЕФА совринн учун курашда чорак финалга чиқиш иштиёқида куч синашган тўнлисилик динамочилар ўз майдонларида ҳисобни 1:1 қилишганди. Сафарда «Тоттэнхэм» командаси билан такрорий ўйинда эса футболчиларимиз 5:1 ҳисобида ютқазиб ўйиндан чиқдилар.

КИЕВЛИК динамочилар ҳам УЕФА кубоги учун курашда давом эттиришдан маҳрум бўлдилар. Дастлабки учрашувда 2:0 билан ўстун келган киевликлар сафарда «Штуттгарт» (ГФР) командасидан 0:3 ҳисобида енгилишди.

Редактор ўринбосари
Х. ЕДГОРОВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР

Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Р. 03905. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. 292.